

Ўзбекистонда гендер зўравонлик: жабрланганлар учун хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ва суд амалиёти таҳлили

Ўзбекистонда суд тизимини мустаҳкамлаш лойиҳаси
EWMI | ТОШКЕНТ, 2024

Мундарижа

Кириш	4
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг амалиётга татбиқ этилишини таҳлил қилиш	6
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг амалиётга татбиқ этилишини таҳлил қилиш методикаси.	6
МЖТК 41-1 моддаси “Шаҳвоний шилқимлик”	6
1-Кейс	6
2-Кейс	7
Ҳулоса.....	7
ЎЗР МЖТК 59-2-моддаси “Оилавий (маиший) зўравонлик”	7
3-Кейс	8
4-Кейс	8
Ҳулоса.....	9
ЎЗР ЖК 126-1-модда “Оилавий (маиший) зўравонлик”.....	9
5-Кейс	10
6-Кейс	10
Ҳулоса.....	10
Гендер зўравонлик қурбонлари учун хизматлар харитаси	12
Зўравонлик тўғрисидаги хабарларни қайта йўналтириш ва асосий хизматлар ва маслаҳатлар бериш механизми	12
Зўравонлик ҳолатларини рўйхатга олиш ва жабрланувчи ҳолатини баҳолаш	13
Қонунчиликдаги мұаммолар ва хизматлардаги амалий камчиликларни бартараф этиш концепцияси ...	16
Қонунчилик.....	16
Хизматлар	20
Гендерга зўравонлик соҳасидаги суд амалиётини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш учун сифатни ўлчаш методологияси.....	22
Мониторинг ва таҳлил методологиясини назарий асослаш.....	22
Методология мақсади	22
Методология вазифалари	22
Методологиянинг илмий асоси	22
Техник натижалар ва аралашув методологиясини намойиш этувчи кейслар	25
Кейс-усул таркиби:	25
1-Кейс:	25
2-Кейс	28
Турли идораларнинг биргалиқдаги иши.....	31
Зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш	32
Зўравонлик қурбонларига кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини баҳолаш	32
Глоссарий.....	33

1-илова. Ўзбекистонда гендер зўравонлиқдан жабрланганлар учун секторлар рўйхати ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари.....	36
2-илова. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларига жойлаштириш	53



Ушбу ҳисобот гендер зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича Ўзбекистондаги қонунчилик, хизматлар кўрсатилиши ва суд амалиёти учун таҳлилий материал ва амалий тавсиялар сифатида ишлаб чиқилган. Унда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонунчилик ташаббуслари таҳлили ҳамда уларнинг суд-ҳуқуқ тизимига татбиқ этилиши самараదорлиги баҳоланган.

Ҳисоботда, шунингдек, гендер зўравонликдан жабр кўрганларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини яхшилаш, ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиши органлари ва ижтимоий хизмат ходимларининг малакасини ошириш бўйича аниқ тавсиялар берилган. Зўравонликдан жабр кўрган аёллар ва болаларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказишни таъминлаш механизмларини яратиш зарурлиги муҳим жиҳатдир.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиши Америка халқининг Қўшма Штатлар Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва унинг ижрочи ҳамкори - East West Management Institute (EWMI) орқали қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилди. Ушбу ҳужжатнинг мазмуни Ўзбекистондаги суд тизимини мустаҳкамлаш лойиҳаси масъулиятида бўлиб, USAID, АҚШ ҳукумати ёки EWMI нуқтаи назарини акс эттирумайди.

Муаллифлар:

Ирина Матвиенко — гендер фанлари магистри, гендер адолат бўйича мутахассис

Нигина Худайбергенова — ўқитиш методикаси магистри, гендер тенглик ва болалар ҳимояси бўйича эксперт

Кириш

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан (кейинги ўринларда гендер зўравонлиги деб юритилади) ҳимоя қилиш Ўзбекистонда мұхим ижтимоий-хуқуқий вазифалардан бирига айланди. 2019 йилда “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун¹ қабул қилинди, унда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик шакллари белгиланди, шунингдек, ҳимоя ордери ҳамда тазийқ ва зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш ва реабилитация қилиш бўйича давлат институтлари тушунчasi киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизларга нисбатан зўравонлиқка қарши барча чора-тадбирларни мувофиқлаширади.

2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳимоя ордери талабларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан тўлдирилди. 2023 йилнинг апрель ойида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига (кейинги ўринларда ЎзР МЖтК ва ЎзР ЖК деб юритилади) ўзgartиш² ва қўшимчалар киритилиб, уларга кўра вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик, шунингдек, маъмурий хуқуқбузарликлар ва жиноий хуқуқбузарликлар сифатида оилавий (маиший) зўравонлик учун жазо кучайтирилди. 2023 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мазкур моддаларни қўллаш жараёнига аниқлик киритувчи қарори қабул қилинди. 2024 йилнинг октябрь ойида оилавий (маиший зўравонлик) ҳақидаги МЖтК 59-2 ва ЎзР ЖК 126-1-моддалари диспозицияси оилада болаларга нисбатан зўравонлиқнинг айрим турлари учун жазолар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги “Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-175-сон қарори³ ва уни тўлдирувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги “Тазийқ ва зўравонлиқка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 354-сон қарори⁴ билан гендер зўравонлиқдан жабр кўрган шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва тартибга солишга улкан ҳисса қўшилди.

Шунингдек, 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганларни реабилитация қилиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг Миллий стандарти ишлаб чиқилди⁵. Бу чора-тадбирлар миллий саъи-ҳаракатларни халқаро стандартлар ва БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (СЕДАВ), Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси ҳамда бир қатор бошқа ҳужжатлар бўйича Ўзбекистон мажбуриятлари билан уйғунаштиришга қаратилган кенгроқ стратегиянинг бир қисмига айланди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни

² Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” ЎРҚ-829-сон қонуни.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги “Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-175-сон қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги “Тазийқ ва зўравонлиқка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-354-сон қарори.

⁵ Ўзбекистон Миллий стандарти О’zMSt 220:2024. Ахолининг ижтимоий ҳимояси. Ижтимоий хизматлар. Тазийқ ва зўравонлик қурбонлари учун реабилитация хизматлари.

Бу қадамлар давлатнинг гендер зўравонликка қарши курашдаги қатъияти, қонунчиликни янада ривожлантириш, идоралараро мувофиқлаштиришни кучайтириш, хизматларнинг мавжудлиги ва сифатини кенгайтириш, аҳолининг зўравонликка тоқатсизлигини ошириш зарурлигини намойиш этади. Ушбу ҳисобот ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш, шунингдек, зўравонлиқдан жабрланган аёллар ва болалар учун хизматларнинг мавжудлиги ва сифатини баҳолаш, қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилган.

Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг амалиётга татбиқ этилишини таҳлил қилиш

Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг амалиётга татбиқ этилишини таҳлил қилиш методикаси. Тадқиқот методологияси 2023 йил ноябрдан 2024 йил октябргача бўлган даврда Олий суднинг очик маълумотлар базасидан танлаб олинган 43 та суд ишининг таҳлилини ўз ичига олади. Жинсий эркинлик, шунингдек вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши моддалар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118, 119, 128, 128-1, 129-моддалари) бўйича суд ишларини кўриб чиқиш ЎзР Жиноят процессуал кодексининг 19-моддаси талабларига кўра ёпиқ тарзда кўриб чиқилишини инобатга олиб, ушбу моддалар бўйича суд қарорлари суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинмаган ва уларни таҳлил қилишнинг имкони бўлмади.

Биринчи босқичда Олий суд пленумининг 2023 йил 20 ноябрядаги 30-сонли қарори ва пленумларнинг бошқа қарорлари нормалари ўрганилиб, ҳар бир ҳолатни уларга мувофиқлигини текшириш мезонлари ишлаб чиқилди..

Кейинги босқичда ҳар бир ҳолат бўйича ҳуқуқбузарликнинг тўғри малакаланиши, жазонинг асослилиги ва мутаносиблиги, шунингдек, процессуал нормаларга ва жараён иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя этилиши таҳлил қилинди. Ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича қайд этилди ва таснифланди, бу эса ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги кўп учрайдиган хатоларни аниқлаш имконини берди. Ҳисоботда камчиликлар аниқланган бир неча ҳолатларнинг батафсил мисоллари келтирилган бўлиб, улар типик муаммоларни кўрсатишига хизмат қиласи ва суд амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсияларни қўллаб-қувватлаш учун мисолларни тақдим этади.

Таҳлил доирасида:

- ЎзР ЖК 126-1 моддаси бўйича жиноят ишлар бўйича 11 та қарор;
- ЎзР МЖТК 59-2-моддаси бўйича 17 та суд қарорлари;
- ЎзР МЖТК 41-1-моддаси бўйича 15 та суд қарори ўрганилди.

Қонун ҳужжатларига қонунга қарши ишларнинг янги таркиби киритилгандан бери ушбу ишларнинг тоифалари бўйича маълум бир амалиёт шаклланди. Шу билан бирга, “Шаҳвоний шилқимлик” ва “Оилавий (маиший) зўравонлик” моддаларининг аниқ диспозициясига қарамай, содир этилган қилмишларни тўғри квалификация қилиш, шунингдек, ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олишда қийинчиликлар мавжуд.

МЖТК 41-1 моддаси “Шаҳвоний шилқимлик”

ЎзР МЖТК 41-1-моддаси (Шаҳвоний шилқимлик) бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бўйича суд қарорларини таҳлил қилиш доирасида вояга етмаган жабрланувчиларга нисбатан мутахассислар: ўқитувчилар, психологларнинг суд мажлисида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишда иштироки таъминланмаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, айрим суд қарорларида қатор хатоликлар ва тизимли камчиликлар мавжуд. Масалан, вояга етмаган жабрланувчининг ёши, шунингдек, айбор шахснинг асл ниятлари, унинг қилмишининг тўғри квалификацияси ЎзР Пленумининг 2018 йил 30 ноябрядаги “Судлар томонидан маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 11-1-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ акс эttiрилмаган.

Қўйида бир неча ёрқин мисоллар келтирилди.

1-Кейс

ЎзР МЖТК 41-1-моддасида назарда тутилган маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 3-1507-2401/2501-сонли ишни кўриб чиқиша (суднинг 2024 йил 27 сентябрдаги ажрими) айбланувчи жабрланувчи (7-синф) ўқиган мактабга келиб, уни машинага солиб, қишлоқ четига олиб

кетган. Кейин қизнинг ёнига ўтди ва унинг қаршилик кўрсатишига қарамай, унга тегажоғлик қилиб, ўпишни бошлади. Воқеа юзасидан суд-тиббий экспертиза тайинланган, натижада вояга етмаганинг танасида енгил тан жароҳатлари борлиги аниқланган.

Жабрланувчининг ёши кўрсатилмаган бўлса-да, у 16 ёшга тўлмаганини тахмин қилиш мумкин, чунки Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларининг 7-синф ўқувчиларининг асосий ёши 13 ёшdir. Суд жиноятчининг айбини аниқлаётганда ва унга жазо тайинлаганида, жабрланувчининг ёши, жисмоний зўравонлик излари мавжудлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Пленумининг 35-сон қарори 11-1-банди нормаларига кўра 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан шаҳвоний шилқимлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида айбланувчининг ҳатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 129-моддаси (Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар) билан квалификация қилиниши кўрсатилган.

2-Кейс

ЎзР МЖтК 41-1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 3-1401-2408/15721-сонли ишни кўриб чиқишида (суднинг 10.10.2024 йилдаги ажрими) ҳуқуқбузарликда айбланган фуқаро турар-жой комплекси ҳовлисида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бўлиб, шу ҳовлида жойлашган болалар майдончасида ўйнаётган вояга етмаган қизга шаҳвоний шилқимлик қилганлиги аниқланган. Шунингдек, айбланувчи бир неча кун аввал ҳам жамоат тартибини бузганлиги ҳисобга олинмаган. Натижада айбдорга 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Суд жиноятчининг айбини аниқлашда ва унга жазо тайинлашда, суд ҳужжатида қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлар (маст ҳолат), айбланувчи томонидан такроран (бир йил давомида) жамоат тартибини бузганлиги ҳисобга олинмаган. Натижада айбдорга 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик билан боғлиқ шу ва бошқа ҳолатларда суд вояга етмаган жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёпиқ суд мажлисини ўтказиш имкониятини назарда тутмаган.

Хулоса

ЎзР МЖтК 41-1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги суд қарорлари таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш муддатларига риоя этишлари, судлов фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жазо тайинлаш бўйича процессуал талаблар ҳисобга олинмоқда, модда санксияси доирасида жазо тайинлаш каби талабларга риоя этилмоқда, шунингдек, томонларга суд ҳужжати устидан юқори турувчи судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилмоқда.

Ушбу тоифадаги ишлар таҳлили натижасида бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- жабрланувчининг ҳимоя чораларини қўллаш (масалан, ҳимоя ордери бериш) ва уни реабилитация қилиш масалаларини ҳал қилиш зарурати;
- моддий ва/ёки маънавий зарарни ундириш учун ариза бериш тартибини тушунтириш зарурати
- оғирлаштирувчи ҳолатларни қатъий ҳисобга олиш зарурати

ЎзР МЖтК 59-2-моддаси “Оилавий (маиший) зўравонлик”

ЎзР МЖтК 59-2-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик) бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бўйича маъмурий ишлар бўйича суд қарорларини таҳлил қилиш доирасида такомиллаштирилиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳам аниқланди. Қуйида буни акс эттирувчи бир нечта ҳолатлар таҳлили келтирилган.

3-Кейс

ЎзР МЖтК 59-2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 3-1122-2404/5078-сонли ишни кўриб чиқишида (суднинг 2024 йил 27 сентябрдаги ажрими) аниқланишича, эркак уйга маст ҳолда келиб, хотини билан жанжал қилиб, уни ҳақоратлаган, камситиб, кейин калтаклай бошлиайди. Унинг тажовузидан ўзини ҳимоя қилиб, аёл унинг юзини тирнади. Суд-тиббий экспертизаси жиноятчи ва жабрланувчининг соғлиғи учун хавфли бўлмаган енгил тан жароҳатлари олганини аниқлади. Шу билан бирга, эрининг ҳужумидан ўзини ҳимоя қилган аёл ҳам ЎзР МЖтК 59-2-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этгани учун жавобгарликка тортилди.

Шу ва бошқа бир қатор суд қарорларидан кўриниб турибдики, оилавий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида жавобгарликни ўзаро боғлаш амалиёти кенг тарқалган. Агар жабрланувчи тажовузга жавобан ўзини ҳимоя қилса, яъни зарурий мудофаа чораларини кўрса ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига жавобан тажовузкорни ҳақорат қилса, жабрланган шахс ҳам ЎзР МЖтК 59-2-моддасида назарда тутилган жиноят содир этганинда айбланади. Шундай қилиб, тажовузкор жабрланувчига айланади ва гендер зўравонлик қурбони тажовузкор деб тан олинади.

Бундай ҳолатларда гендер зўравонлиқдан ҳақиқатда жабр кўрган шахсни реабилитация қилиш масаласи шубҳа остига қўйилади, бу жабрланувчининг руҳий ҳолатини ёмонлаштириши, қайта травматизацияга олиб келиши, тажовузкорнинг ҳаракатларини билвосита қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер зўравонликка қарши кураш бўйича ҳукумат чора-тадбирлари самарадорлигини шубҳа остига қўяди.

4-Кейс

ЎзР МЖтК 59-2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 3-1101-2404/4518-сонли ишни кўриб чиқишида (суднинг 2024 йил 26 сентябрдаги ажрими) аниқланишича, икки туғишган aka-ука ўртасида оилавий келишмовчиликлар туфайли жанжал кўтарилади ва уларнинг ҳаракатлари ЎзР МЖтК 59-2-моддаси билан квалификация қилинган, бунда ўзаро айбни тан олиш ва жазо тайинлаш амалиёти қўлланилган.

Ака-ука ўртасидаги низо оилавий келишмовчиликлар асосида юзага келганига қарамай, ушбу ҳуқуқбузарлик ЎзР МЖтК 59-2-моддасида назарда тутилган квалификация белгиларига эга эмас.

Ўзбекистон қонунчилигида оилавий (маиший) зўравонлик қўйидагича таърифланади: хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни шахсий, мулкий ҳуқуқларини амалга оширишни чеклаш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, мулкига шикаст етказиш, нобуд қилиш, ҳаёти ёхуд соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдан иборат ҳаракатлар;

ЎзР МЖтК 59-2-моддаси диспозициясида кўзда тутилган оилавий (маиший) зўравонлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликларни суд томонидан кўриб чиқилишида “бир рўзғор асосида бирга яшовчи шахслар” тушунчаси судлар томонидан айни ишларни жиноий жараён доирасида кўришдан кўра кенгроқ талқин қилинади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30-сонли қарорига оилавий (маиший) зўравонлик тушунчасини белгилаш ва “ бир рўзғор асосида бирга яшовчи шахс” деб кимлар бўлиши мумкинлигини аниқ кўрсатишга оид киритилган ўзгартеришлар сабаб бўлиши мумкин. Ушбу таъриф маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида ҳам қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бундай ҳолатлар судларнинг оилавий келишмовчиликлардан келиб чиқадиган низоларни оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатлари сифатида квалификация қилинишига олиб келди.

Ўрганилган суд ҳужжатларининг бирортасида суд томонидан жабрланувчининг тажовузкордан моддий ва (ёки) маънавий зарарни фуқаролик суди тартибида ундириш ҳуқуқини талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисида тушунтириш берилмаган.

Жабрланувчи ёки гувоҳ вояга етмаган шахс бўлганда оилавий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги маъмурӣ ишлар алоҳида эътибор талаб қиласди. Бундай тоифадаги ишларда вояга етмаган жабрланувчилар ва (ёки) вояга етмаган гувоҳлар иштироқида алоҳида процессуал қоидалар мавжуд эмас. Бундай ҳолатлар маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш юритишнинг вояга етмаган иштирокчисининг ҳуқуқларини бузади. Хусусан, маъмурӣ иш юритишнинг барча босқичларида вояга етмаганлар билан суҳбат ўтказишда тегишли мутахассислар (ўқитувчилар, психологлар, ижтимоий ходимлар ва бошқалар)ни таъминлаш бўйича талаблар йўқ. Вояга етмаган шахс билан суҳбат ўтказилаётганда мутахассисларнинг (психолог, ўқитувчи) иштирок этиши вояга етмаганнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, стрессни камайтириш ва мазмунли ва батафсил кўрсатмалар олинишини таъминлади.

Шундай қилиб, ЎзР МЖТК 59-2-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурӣ ишларни кўриб чиқиша вояга етмаганларнинг манфаатлари қисман ҳисобга олиниади. Бундан ташқари, оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатлари бўйича болалар гувоҳ бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича суд муҳокамаси ҷоғида ота-оналар ўртасидаги ярашув ҳолатларида зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш масаласи ҳал этилмаганлигича қолмоқда.

Ҳуолоса

ЎзР МЖТК 59-2-моддасида назарда тутилган маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар бўйича суд қарорлари таҳлили ишларни кўриб чиқиша бир қатор ижобий ёндашувлар ва оптималлаштириш мумкин бўлган жиҳатларни кўрсатди.

Судлар маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриш муддатларига риоя қилмоқда, судлов фаолиятининг очиқлиги таъминланмоқда (мажлислар очиқ ўтказилиб, суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қидибув тизимида мавжуд), ЎзР МЖТК 59-2-моддасининг санкцияси доирасида жазо тайинлаш бўйича процессуал талаблар, шунингдек, тарафларга суд ҳужжати устидан юқори турувчи судга шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириб берилмоқда.

Таҳлил давомида яхшиланиши лозим бўлган бир қатор жиҳатлар ҳам аниқланди:

- моддий ва/ёки маънавий зарарни ундириш учун ариза бериш тартибида аниқлик киритилмаганилиги
- қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олмаслик
- тажовузкор билан зўравон ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича коррекция ишларини олиб бориш масаласи ҳал этилмасдан қолмоқда
- жабрланувчини реабилитация қилиш масаласи ҳал қилинмаслиги
- ЎзР МЖТК 31-моддасига кўра қилмишни енгиллаштирувчи ҳолатларнинг қатъий ҳисобга олинмаслиги
- содир этилган ҳуқуқбузарлиқдан олдинги ҳолатларнинг қисман ҳисобга олиниши

ЎзР ЖК 126-1-модда “Оилавий (маиший) зўравонлик”

ЎзР ЖК 126-1-моддаси “Оилавий (маиший) зўравонлик” билан қабул қилинган суд ҳужжатларида асосан жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмларини таҳлил қилиш доирасида тарафларни яраштириш амалиёти, шунингдек, оилани бузмаслик ва оилавий муносабатларни сақлаб қолиш учун оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳам енгилроқ жазо берилиши учрамоқда.

Бунда ЎзР МЖТК 59-2-моддасида назарда тутилган маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар бўйича мавжуд амалиёт таҳлилида қайд этилганидек, зўравонлиқдан жабрланувчи тажовузкорга қаршилик кўрсатишига уринган ҳолларда бундай ҳаракатлар мудофаа ёки ўзини ҳимоя қилишига уриниш сифатида эмас, балки зўравонлик сифатида баҳоланиши мумкин. Натижада, жабрланувчи, ҳақиқий тажовузкор каби, тажовузкор сифатида тан олиниши ва жавобгарликка тортилиши мумкин. Биз таҳлил қилган жиноят ишларида бундай амалиёт мавжуд эмас. Шу муносабат билан, жабрланувчи тажовузкорга қаршилик кўрсатган ҳолатларнинг квалификацияси билан боғлиқ саволлар туғилади. Мисол учун, низонинг дастлабки қўзғатувчиси бўлган тажовузкор жабрланувчидан қасос сифатида тан жароҳати

олиш шаклида жавоб олган бўлса, унда бундай шароитда жабрланувчи тажовузкор, тажовузкор эса қурбон бўлиши мумкин. Бунда тажовузкор учун жазодан қочиш учун ҳақиқий имконият мавжуд.

5-Кейс

1-1901-2302/504-сонли жиноят ишини кўриб чиқиш доирасида (суднинг 2023 йил 13 декабрдаги ҳукми), ЎзР ЖК 126-1-моддаси 7-қисми “ж” банди билан оиласвий (машиий) зўравонлик содир этишида аёл айбдор деб тан олинган. Узоқ вақт давомида унинг ўзи эри томонидан зўравонлик қурбони бўлган. Айбланувчи жиноят содир этишдан олдин уйга маст ҳолда келган ва қўлига пичоқ олиб, жанжални атайлаб қўзғатган эри томонидан тажовузга учраган. Бу факт жабрланувчининг кўрсатмалари билан тасдиқланади. Шу билан бирга воқеага судланувчи ва жабрланувчининг 4 нафар вояга етмаган фарзанди гувоҳ бўлган.

Юқорида баён этилган 5-Кейсда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, шунингдек, жазо тайинлашда ҳисобга олинган жиноят содир этилишидан олдинги ҳолатлар ҳисобга олинган. Бироқ маст ҳолатда бўлгани, хотинини қўрқитиш, унга сабоқ бериш мақсадида атайлаб пичоқ олганини тасдиқлаб, жанжал қўзғатган жабрланувчининг ўзига тегишли ҳаракатларига тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган. Натижада, бир неча йил давомида хотини ва болаларини қўрқувда ушлаган тажовузкор давлатдан ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, оиласвий зўравонлик қурбони сифатида тан олинади. Шу билан бирга, ҳақиқий жабрланувчи оиласвий зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш дастурига тушмайди, бундан ташқари, унга тажовузкорлар билан ишлаш бўйича коррекция дастури қўлланилиши керак.

6-Кейс

1-1107-2302/367-сонли жиноят ишини (суднинг 2023 йил 19 декабрдаги ҳукми) кўриб чиқиш доирасида, айбланувчи гиёҳванд моддалар таъсирида бўлганида, рашк туфайли жанжални бошлаб, хотинини кўкрак қисмига пичоқ билан урганлиги аниқланди. Бундан ташқари, айбланувчидан 20 граммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган.

Бу ва бошқа бир қатор суд қарорларида соғликка оғир шикаст етказилганда енгил жазо, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш амалиёти кўрсатилган. Айбдорлик ва ҳукм чиқариш масаласини ҳал қилишда суд оғирлаштирувчи ҳолатлар, хусусан, гиёҳванд моддалар таъсири остида бўлганлиги ҳисобга олинмади. Унда жабрланувчининг айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, айбланувчига З йил шартли жазо тайинланди ва у суд залидан озод этилди.

Оиласвий (машиий) зўравонлик у ёки бу тарзда бир-бирига боғлиқ бўлган бир гурух одамлар ўртасида содир бўлишига қарамай, судлар қарор чиқаришда ушбу турдаги қилмишнинг ижтимоий хавфи мавжуд эмаслигини таъкидлаб, оиласи сақлаб қолиш зарурлигини инобатга олган ҳолда енгилроқ жазо тайинлашнинг қонуний имкониятига эга.

Ўзбекистон оила қонунчилиги нормаларига кўра, оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Жамиятнинг келажақдаги аъзолари оиласида тарбияланади, оила жамиятнинг бир қисмидир. Шу билан бирга, ЎзР ЖК 126-1-моддасида оиласида содир этилган жиноятлар жамиятга қарши содир этилган жиноят деб топилмайди ва жамоат хавфлилик хусусиятига эга эмас.

Хулоса

ЎзР ЖК 126-1-моддасида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича суд ҳукмларининг таҳлили шуни кўрсатдики, судлар моддий ва (ёки) маънавий зарарни ундириш тўғрисида ариза бериш, модда санкциясида назарда тутилган жазо тайинлаш, қонун ҳужжатларига риоя этиш тартибини тушуниради, жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатларини белгилаш, судлов фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, томонларга суд қарорларини судда кўриш ҳуқуқини тушунириш; суд ҳужжати устидан юқори судга шикоят қилиш имкониятлари тушунирилади.

Шунингдек таҳлил доирасида яхшилаш мумкин бўлган бир қатор жиҳатлар аниқланди:

- содир этилган ҳуқуқбузарлиқдан олдинги ҳолатларнинг қисман ҳисобга олиниши

- қилемишни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг доимо ҳисобга олинмаслиги
- оиласиий зўравонлик гувоҳи ва/ёки қурбони бўлган вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари камдан-кам ҳолатларда ҳисобга олинади
- оиласиий зўравонлик қурбонини реабилитация қилиш масаласи хал қилинмаслиги
- зўравон билан тажовузкор ҳатти-ҳаракатларнини ўзгартириш бўйича коррекция ишларини олиб бориш масаласи хал этилмасдан қолмоқда
- жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг процессуал талаблари қисман ҳисобга олинмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 978-сонли Қонуни доирасида ЎзР ЖК 126-1-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини таҳлил қилиш имкони бўлмади. Болаларга нисбатан оиласиий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги жиноий ишлар бўйича жамоатчилик учун очиқ суд ҳужжатлари мавжуд эмас.

Гендер зўравонлиқдан жабрланганлар учун хизматларнинг очиқлиги


Гендер зўравонлик қурбонлари учун хизматлар харитаси

Ўзбекистонда гендер зўравонлиқдан жабрланганлар учун хизматлар харитаси (1-илова) юқорида қайд етилган ва тегишли ҳужжатларни ўрганиш натижалари, UNFPA Uzbekistan томонидан 2021 йилда ишлаб чиқилган стандарт операцион жараёнлар (СОЖ) ва гендер зўравонлиқдан жабр кўрган аёлларга хизматлар кўрсатиш бўйича турли тавсиялар асосида тузилган. Хизматлар тармоқлар бўйича гурухланган ва уларнинг Ўзбекистон қонунчилиги даражасида мавжудлиги кафолати таҳлил қилинган:


- Ҳуқуқий ёрдам
- Психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш
- Соғлиқни сақлаш
- Иқтисодий ва таълим кўмаги
- Гендер зўравонлик қурбонларини қайта йўналтириш механизмлари

Зўравонликка учраган аёллар ва уларнинг вояга етмаган болаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламентида (2024 йил 25 июндаги 354-сон ВМҚ 1-илова) зўравонлик қурбони бўлган аёлларни қайта йўналтириш механизми батафсил кўрсатилган. Қуидаги чизмалар актуал ҳолатларга қараб жараённинг бир қисмини тасвирлайди.

Зўравонлик тўғрисидаги хабарларни қайта йўналтириш ва асосий хизматлар ва маслаҳатлар бериш механизми



Зўравонлик ҳолатларини рўйхатга олиш ва жабрланувчи ҳолатини баҳолаш



miro

Аёлларни бирламчи тиббий-санитария ёрдами хоналарида сақлаш, шунингдек, аёллар ва уларнинг вояга етмаган болаларини Республика Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказининг вилоят марказларига жойлаштириш механизми ушбу ҳисоботнинг 2-иловасида батафсил баён этилган.

Гендер зўравонлиқдан жабрланганларга минимал тиббий ёрдам олишига тўсқинлик қиласидан хизматлардаги амалий камчиликлар

Ушбу ҳисоботнинг 1-иловасида келтирилган хизматларнинг мавжудлиги таҳлили шуни кўрсатадики, давлат томонидан гендер зўравонлик қурбонларига кўрсатилаётган хизматларнинг аксарияти оиласидан гендер зўравонлик қурбонлари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларга ёрдам кўрсатишга қаратилган. Ушбу хизматлар доираси нисбатан кенг, аммо баъзи камчиликлар мавжуд.

- Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасида белгиланганидек, шахс ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолашни рад этган тақдирда, ҳимоя ордерини топшираётган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан холислар иштирокида далолатнома тузилади. Амалда эса тажовузкор ордернинг нусхаси берилиши учун келмаса, ҳимоя ордерини бериш рад этилган ҳолатлар учрамоқда. Шунингдек, тажовузкор иштирокисиз ҳимоя ордери берилганда у ҳимоя ордери билан таниш эмаслиги ва қўйилган чекловлар ҳақида билмаганигини асос қилиб, уни ижро этишдан бош тортиши мумкин.
- Ҳимоя ордерини бериш жараёни зўравонлик қурбони учун оғрикли бўлиши мумкин, чунки у яна тажовузкор билан юзма-юз учрашишга мажбур бўлади, негаки ҳимоя ордерининг иккинчи нусхасини бериш учун у ҳам таклиф қилинади. Бу маҳалла қўмиталари ичida ҳам бўлиши мумкин, бу ерда маҳалла раисидан тортиб, ҳар икки тарафдаги қариндош-уруғларгача иштирок

етиши мүмкін. Бундай күп одамларнинг иштироки эса аёлга құшимча босим бўлиб, табиийки, аёл бундай ҳолатта тушишдан қочиб, гендер зўравонлик ҳақида хабар беришдан бош тортади.

- Гендер зўравонлиқдан жабрланганлар учун юридик маслаҳатлар мавжудлигига қарамасдан, жабрланувчи аёллар кўпинча терговгача бўлган ва тергов ҳаракатлари босқичида, шунингдек, суд мажлисларида ёлғиз қолишади. Қонун гендер зўравонлиги қурбонлари учун адвокатларнинг вакиллигини кафолатламайди, аёллар эса бундай мутахассисни ўзлари ёллаш имкониятига эга эмас.
- Оиласдаги зўравонлик бўйича суд жараёнлари кўпинча ярашув билан тугайди, шунингдек, тажовузкор ва гендер зўравонлика жавоб берган жабрланувчи жавобгарликка тортиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд (реактив агрессия). Бундай ёндашув терговчилар ва судъялар томонидан зўравонлик механизмларини нотўғри тушунишни кўрсатади.
- Қонунчиликда гендер зўравонлик қурбонлари ва уларнинг вояга етмаган болаларини мажбурий комплекс тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек сурункали касалликларни даволаш механизми мавжуд эмас. Гендер зўравонлик табиати назорат механизmlари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу аёллар камдан-кам ҳолларда тиббий кўриқдан ўтишади, бу эса ўз навбатида сурункали касалликлар ёки соғлиқнинг узоқ муддатли ёмонлашишига олиб келиши мүмкин.
- ОИВ билан яшовчи ва гендер зўравонлиқдан жабрланган аёлларни ҳудудий марказларга жойлаштиришга оид қонун ҳужжатларидағи қарама-қаршиликлар, шунингдек, бундай аёлларга нисбатан стигма уларнинг давлат томонидан кўрсатилаётган реабилитация хизматларидан фойдаланишини қийинлаштириши мүмкин.
- Зўравонлиқдан жабрланган ногирон аёллар учун кенг қамровли хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш имконияти бўйича маҳсус қоидаларнинг йўқлиги ташвиш уйғотмоқда.
- Гендер зўравонлик қурбонлари учун бир қатор ижтимоий хизматлардан фақат аҳолининг заиф тоифасига кирувчи аёллар (кам таъминланган, ёлғиз оналар, кўп болали оиласлар ва бошқалар) фойдаланиши мүмкин. Ушбу ёндашув зўравонлик қурбони бўлган, мезонларга кўра, ушбу тоифаларга кирмайдиган, аммо ҳозирда бундай хизматларга муҳтоҷ бўлган барча аёлларнинг эҳтиёжларини қопламаслиги мүмкин.
- Қонунда кўзда тутилган тажовузкорларга нисбатан коррекция дастурларга қарамай, амалда бу дастурларда иштирок этиш ёки уларни гендер зўравонлик ҳолатлари бўйича суд қарорларида тайинлаш деярли учрамайди.
- Гендер зўравонлиқдан жабрланганларни узоқ муддатли (6 ой ёки ундан ортиқ муддатга) жойлаштириш механизми мавжуд эмас. Зўравонлик циклининг табиатини ҳисобга олган ҳолда, қисқа муддатли уй-жой ва реабилитация хизматларини (emergency shelters) ва узоқ муддатли уй-жой ва реабилитация хизматларини (transitional housing/second stage shelters) кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.
- Бугунги кунда қонун ҳужжатларида гендер зўравонлиқдан жабрланган болалар учун хизматлар рўйхати ва уларни кўрсатишнинг комплекс тартиби тартибга солинмаган. Бундан ташқари, қонун гендер зўравонлиқка гувоҳ бўлган болаларни зўравонлик қурбони сифатида тан олмайди. Амалда, уларнинг ота-оналари болалар учун қарор қабул қиласди ва шунга кўра, болалар зўравонлиқдан жабрланганларга кўрсатиладиган хизматлардан фойдалана олмаслиги мүмкин. 2024 йил 14 ноябрда болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг кучга кириши ва ҳаётга татбиқ этилиши ушбу камчиликларнинг бир қисмини қоплаши мүмкинлигини таъкидлашимиз зарур.
- Қонунчилик ва гендер зўравонлик қурбонларига кўрсатилаётган хизматларда гендер зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга ҳар томонлама хизматлар кўрсатиш механизмлари

мавжуд эмас. "Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тӯғрисида"ги қонунда жинсий зўравонлик зўравонлик турларидан бири сифатида ифодаланганига қарамай, Ўзбекистонда бу мавзуга етарлича эътибор берилмаяпти, бу эса кўрсатилаётган хизматлар сифати ва миқдорида, шунингдек, ушбу муаммоларни ҳал қилишда комплекс ёндашув мавжуд эмаслигига ифодасини топмоқда. ЖССТ тавсияларига кўра: "Жинсий зўравонлик қурбонларига ғамхўрлик қилишда bemornning саломатлиги ва farovonligi доимо биринчи ўринда туриши керак. Шундай қилиб, тиббий-ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш умумий соғлиқни сақлаш хизматларига (яъни, жароҳатларни даволаш, ҳомиладорлик ва жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларни баҳолаш ва даволаш) нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Беморларнинг асосий соғлиқни сақлаш эҳтиёжларини қондирмасдан туриб суд-тиббиёт экспертизаси ўтказиш масъулиятсизлиқдир".

- Гендер зўравонлиқдан жабрланган ОИВ билан яшовчи ҳамда ногирон аёлларни қўллаб-куvvatlash механизми ҳам етарлича ишлаб чиқилмаган. 1990 йилда CEDAW томонидан қабул қилинган 15-сонли Умумий тавсиянинг д бандига мувофиқ иштирокчи-давлатлар ўз ҳисоботларига ОИВ мақоми билан яшовчи аёлларнинг эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, уларнинг муайян мақомига боғлиқ бўлган камситишнинг олдини олиш бўйича ҳаракатларни киритишлари керак. 1991 йилда CEDAW томонидан қабул қилинган 18-сонли Умумий тавсия аъзо давлатларга кўрилган маҳсус чора-тадбирлар, жумладан, ногирон аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича маълумотларни тақдим этишини тавсия қиласди.

Қонунчиликдаги муаммолар ва хизматлардаги амалий қамчиликларни бартараф этиш концепцияси

Қонунчилик

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оилавий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги жиноят ишларини судлар томонидан кўриб чиқиш масалалари тўғрисидаги қарорини ушбу тоифадаги ишлар бўйича умумий амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бунда ягона амалиётни таъминлаш мақсадида ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш бўйича аниқ тушунтиришлар бериб, судларни ишларни қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал этишга мажбурлаш.
2. CEDAW томонидан 1992 йилда қабул қилинган 19-сонли Умумий тавсияда (Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йилда ратификация қилинган) ўз аксини топган 2(f), 5 ва 10(c) моддаларига берилган изоҳларга мувофиқ майший зўравонлик аёлларнинг эркакларга нисбатан бўйсунувчи мавқеини эгаллаган анъанавий муносабатлар турларидан бири сифатида белгиланади ва у ерда эслатиб ўтилган шарҳлар 16-моддада (ва 5-моддада) “майший зўравонлик аёлларга нисбатан зўравонликнинг энг маккор шаклларидан бири ҳисобланади” деб аниқ кўрсатилгани ҳисобга олинсин. Шундай экан, CEDAW’га кўра, майший зўравонлик аёлларга нисбатан зўравонликнинг ўзига хос шаклидир, асло эркакларга нисбатан эмас. Бу Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2 ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-1-моддалари доирасидаги қилмишларни баҳолаш ва квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим. Ушбу ҳолатни аниқ тушунмаган ҳолда, судлар аёлларни оилавий (маиший) зўравонлик айбдорлари, эркаклар эса қурбонлар сифатида қабул қилмоқда. Ушбу ёндашув CEDAW тавсиялари ва таърифларига зид келади ва давлатнинг гендер зўравонликка қарши ҳар томонлама курашиш бўйича саъӣ-ҳаракатларини қадрсизлантиради. Шу муносабат билан, судларда оилавий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида, ЎзР МЖтК 59-2 ҳамда ЎзР ЖК 126-1-моддалари доирасида қилмишларни баҳолаш ва квалификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиш зарур.
3. Гендер зўравонлик, шу жумладан оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ишларни ҳусусий тоифадан (жабрланувчининг аризасига кўра қўзғатилган) оммавий-ҳуқуқий (ҳар қандай учинчи шахслар, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг хабарлари асосида қўзғатилган) тоифага ўтказиш. Бу гендер зўравонликни (шу жумладан оилада) шахсий муаммо эмас, балки оммавий муаммо сифатида қабул қилиш билан боғлиқ. Шунингдек, мазкур масалани ҳал этишга жамиятни жалб этиш оиладаги зўравонлик шахсий масала, бу каби зўравонлик ҳолатларига бегона шахслар аралашмаслиги керак, деган қолипли ғояга қарши курашни кучайтиради. Иштирокчи-давлатларнинг стереотипларга қарши курашиш мажбурияти CEDAW нинг 5-моддасида баён этилган.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оилавий (маиший) зўравонлик ва жинсий зўравонлик тўғрисидаги ишлар бўйича қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (ЎзР МЖтК 59-2 ва 41-1-моддалари), ушбу тоифадаги ишлар бўйича умумий амалиётни ҳисобга олган ҳолда, ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш бўйича бир хил тушунтиришлар билан, амалиётнинг бир хиллигини таъминлаш, судларни ишларни қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал қилишга мажбурлаш.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:
 - Вояга етмаганлар иштирокидаги ишларни вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёпиқ суд мажлислиарида кўриб чиқиш;

1994 йилда CEDAW томонидан қабул қилинган 21-сонли Умумий тавсиянинг d бандига мувофиқ, барча ҳолларда болаларнинг манфаатлари биринчи ўринда туради. Жиноят

құрбонлари ва гувоҳлари бўлган болалар билан боғлиқ ишлар бўйича одил судлов бўйича йўриқноманинг 27-бандига мувофиқ (07.22.2005), боланинг одил судлов жараёнида иштирок этишига оид ҳар қандай маълумотлар ҳимоя қилиниши керак. Бундай ҳимояга одил судловни амалга оширишда жабрланувчи ёки гувоҳ боланинг шахсини аниқлашга олиб келиши мүмкін бўлган маълумотларнинг маҳфийлигини сақлаш ва ошкор этмаслик орқали эришиш мүмкін.

- 18 ёшдан ошган шахсларга нисбатан жинсий зўравонлик тўғрисидаги ишларни тегишли илтимоснома билан ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш имкониятини таъминлаш.
 - вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳлар билан боғлиқ ишларни кўришда мутахассислар (ўқитувчилар, психологлар) иштирокини таъминлаш. Ҳозирги вақтда ушбу чора кўпинча жиноят ишларида қўлланилади, аммо вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун уни маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш жараёнига ҳам киритиш керак.
 - зўравонлик хатти-ҳаракатларини ўзгартириш учун судлар томонидан тажовузкорларга нисбатан маҳсус тузатиш дастурларини ўтказиш учун мажбураш чораларини қўллаш. 1992 йилда CEDAW томонидан қабул қилинган 19-сонли Умумий тавсияга маҳсус тавсияларнинг R бандининг ів кичик бандини ҳисобга олиш керак, бу ҳақда майший зўравонликни бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар, шунингдек, оиласдаги зўравонлик содир этган шахсларни реабилитация қилиш дастурларини ҳам эътиборга олиш шарт.
 - жинсий зўравонлик учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг кенгайиши (Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-1-моддаси). Ҳусусан, рўйхатни нафақат тақрорланганлик, балки жабрланувчининг 16-18 ёшда эканлиги (Ўзбекистон қонунчилигига кўра, бу ёшдаги шахс ҳали бола ҳисобланади), жабрланувчida ногиронликнинг мавжудлигининг жиноят содир этган шахсга маълум бўлганлиги, айбдорнинг хизмат мавқеидан фойдаланганлиги ва бошқа ҳолатлар билан кенгайтириш мүмкін. Иш жойидаги жинсий зўравонликни модданинг алоҳида диспозициясига олиб чиқиш 1992 йилда CEDAW томонидан қабул қилинган 19-сонли Умумий тавсиянинг айрим жиҳатларига ҳам таъсир қиласди, унга кўра иштирокчи давлатлар ўз ҳисботларига иш жойидаги жинсий зўравонлик ҳақидаги маълумотларни киритишлари ва иш жойидаги тенгликнинг жиддий бузилиши сифатида тан олишлари керак.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш:
- айбдорлик масалаларини ҳал қилиш билан бир вақтда судлар тажовузкорларга нисбатан зўравон хўлқ-авторини ўзгартириш учун маҳсус тузатиш дастурларини ўтказиш учун мажбураш чораларини қўллаши.
 - ЎзР ЖК 56-моддасини турмуш ўртоғига, шу жумладан собиқ хотинига, шунингдек умумий фарзандлари бўлган шахсга нисбатан қасддан жиноят содир этиш, вояга етмаганнинг кўз олдида содир этиш каби оғирлаштирувчи ҳолатлар тўғрисидаги норма билан тўлдириш;
 - ЎзР МЖтК 206-1-моддаси ҳимоя ордери талабларини бузганлик учун маъмурӣ жавобгарликни назарда тутади. Бироқ Ўзбекистон қонунчилигига ҳимоя ордери талаблари тақороран бузилган тақдирда қўшимча чоралар кўрилмаган. Шунга кўра, тажовузкор ҳимоя ордери талабларини мунтазам равиша бузиши мүмкін, бунинг учун ҳар сафар фақат маъмурӣ жавобгарликка тортилади. Бундай ёндашув жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ўртасида давлат ҳимояси чораларига ишончсизликни кучайтириши мүмкін. Ҳимоя ордери институтини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Жиноят кодексини ҳимоя ордери талабларини тақороран бузганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги модда билан тўлдириш таклиф этилмоқда.
7. Оиласвий муносабатлар асосида ҳам, қариндошлиқ алоқаларида бўлган шахслар ўртасида ҳам юзага келадиган низоларнинг сабаблари ва табиатини ажратса олиш учун қилмишлари ЎзР МЖтК

59-2-моддаси ва ЎзР ЖКК 126-1-моддаси билан квалификация қилиниши мүмкін бўлган шахслар доираси қайта кўриб чиқилсин.

Қуйида, мисол тариқасида, Украина, Грузия ва Озарбайжон қонунчилигида оилавий зўравонлик тушунчасининг таърифлари келтирилган.

Украина Жиноят кодексида "Оиладаги зўравонлик" таърифи (126-1-модда): "Оиладаги зўравонлик, яъни турмуш ўртоқларга ёки сабиқ турмуш ўртоқларга ёки жиноятчи билан оилавий ёки яқин муносабатларда бўлган бошқа шахсга нисбатан жисмоний ёки руҳий азоб-уқубатларга, соғлиғининг бузилишига, меҳнат қобилиятини ўйқотишига, руҳий қарамлика ёки жабрланувчининг ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келувчи қасдан жисмоний, психологияк ёки иқтисодий зўравонлик қилиш";

Тазиик ва зўравонлиқнинг олдини олиш – хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонлиқдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

Тазиик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадрқимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), тегажоғлик.

Процессуал қоидалар (ЖПК 25-30-моддалари) – жараён иштирокчиларининг ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимоя ва адолатли судловни тартибга солувчи қоидалар.

Рұхий зўравонлик – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга түхмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли.

Суд муҳокамасининг ошкоралиги (ЖПК 19-моддаси) суд мажлислари жамият учун очиқ ва ошкора бўлиши керак бўлган тамойилдир.

Реактив агрессия — ночорлик тўйғуси, акс этмаган агрессия ёки зўравонлик ва хўрлаш ҳолатларида узоқ вақт таъсир қилиш каби ташқи стресс омилларига узоқ вақт таъсир қилиш натижасида юзага келадиган тажовузкор ҳулқ-атвор шакли. У зўравонлик, ҳақорат ёки узоқ давом этган психологияк босимга жавобан ҳимоя ёки ғазабнинг портлаши сифатида намоён бўлади. Бундай зўравонлик қўпинча узоқ вақт давомида зўравонлика учраган жабрланувчиларда содир бўлади ва тажовузкорга ҳам, ўзига ҳам ёки қарамоғидаги шахсларга ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

Реабилитация (тузатиш) дастурлари — маҳкумларни хулқини тузатиш ва рецидивнинг олдини олишга қаратилган дастурлар.

Апелляцияга жавоб (ЖПК 499-модда) – суд қарорлари устидан берилган апелляция ва протестлар, шу жумладан белгиланган муддатларга риоя қилинишини кўриб чиқиш тартиби.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази – зўравонлиқнинг турли қўринишларига, ижтимоий муаммоларга дуч келган ёки оғир ҳаёт шароитига тушиб қолган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган муассаса. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан бошқариладиган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими таркибига киради.

Худудий реабилитация марказлари – тазиик ва зўравонлиқдан жабрланганларга жойларда ёрдам кўрсатувчи Республика марказининг ҳудудлардаги бўлинмалари.

Жинсий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Шахвоний шилқимлик – шахснинг хоҳишига қарши равишда унга нисбатан шахвоний тусдаги ҳар қандай мурожаат (масалан оғзаки ёки ёзма мурожаат, интернет орқали электрон хат-хабарлар, ижтимоий тармоқларда шахсга қаратилган шахвоний тусдаги хабарлар юбориш ва ҳ.к.) ва (ёки) жисмоний ҳаракатлар.

Оилавий (майший) зўравонлик – оила аъзосининг бошқа оила аъзосига нисбатан қасддан содир этиладиган жисмоний, рұхий, иқтисодий ёки жинсий характердаги хатти-ҳаракатни содир этилиши.

Оилавий (маиший) иқтисодий зўравонлик — кундалик биргалиқдаги ҳаёт (турмуш)да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишини чеклашга олиб келадиган, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасдан шикаст етказишга қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Оилавий (маиший) руҳий зўравонлик — кундалик биргалиқдаги ҳаёт (турмуш)да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни шахсий, мулкий ҳуқуқларини амалга оширишни чеклаш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, мулкига шикаст етказиш, нобуд қилиш, ҳаёти ёхуд соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда акс этган ҳаракатлар.

Оилавий (маиший) жисмоний зўравонлик — кундалик биргалиқдаги ҳаёт (турмуш)да оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлигига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар.

Енгиллаштирувчи ҳолатлар (ЖК 55-моддаси) — жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, масалан, пушаймон бўлиш, кичик фарзандларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳолатлар.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси — оиладаги зўравонлик, шу жумладан оилавий (маиший) жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (Ўзбекистон ЖПК) – жиноят ишларини юритиш тартиби, жараённинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонун ҳужжати.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (Ўзбекистон ЖК) — жиноятлар, шу жумладан оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарликни тартибга солувчи асосий қонун.

Жисмоний зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотинқизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли.

“Инсон” ижтимоий хизматлари марказлари — Агентлик ҳузуридаги оғир аҳволда бўлган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оиласаларга, шунингдек, тазийиқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсларга комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар.

Шелтер — хавфсизлик ва асосий реабилитация хизматларини кўрсатадиган зўравонлик қурбонлари учун бошпана ёки вақтинчалик турар жой. Жаҳон амалиётида 6 ойгача қисқа муддатли турар жой (emergency shelters) ва 6 ойдан ортиқ, одатда бир неча йил узоқ муддатли турар жой билан таъминлайдиган бошпаналар (transitional housing/second stage shelters) мавжуд.

1-илова. Ўзбекистонда гендер зўравонлиқдан жабрланганлар учун секторлар рўйхати ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари

Сектор	Хизматлар	Хизматлар провайдерлари ёки ушбу хизматни олишга қайта йўналтириш учун масъул идоралар	Қонунчилик даражасида хизматдан фойдаланиш кафолати	Изоҳлар
Ҳукуқий кўмак	Ҳимоя ордери	Ички ишлар органлари 102 Ишонч телефони 1146 Ягона диспетчерлик хизмати 112 “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Маҳалла профилактика инспектори Аёллар масалалари бўйича инспекторлар Патронаж ҳамшираси	02.09.2019 йилдаги “Хотин-қизларни тазийик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сонли ЎзР Қонуни ЎзР Президентининг 10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон қарори ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги ВМҚ-3-сон қарори	Гендер зўравонлиқдан жабрланганлар содир бўлган ҳодиса ҳақида бевосита профилактика инспекторига ва 102, 112, 1146 ишонч телефонлари орқали хабар беришлари мумкин. Бундан ташқари, улар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилишлари мумкин, марказ уларнинг аҳволини баҳолайди ва зарур ҳолларда 102 рақами орқали ички ишлар органларини хабардор қиласи. Шунингдек, патронаж ҳамшираси хонадонларда кузатаётган гендер зўравонлик ҳолатлари ҳақида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт. Гендер зўравонлик ҳолатлари аниқланган пайтдан бошлаб 24 соат ичидан профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилади. Амалиётда тажовузкор шахс ордер нусхасини олиш учун участкага келмаса, аёлларга ҳимоя ордерини расмийлаштириш рад этилиши мумкин. Ҳимоя ордери нусхаси берилмаган тажовузкор шахс зўравонлик содир бўлганини тан олмаган ҳолатлар ҳам мавжуд, чунки унга ҳеч ким ҳимоя ордерини топширгмаган.

Гендер зўравонлик ҳолатларини рўйхатга олиш	Ўзбекистон ИИВ “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари	Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги ЎРҚ 10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон 04.01.2020 йилдаги ВМҚ-3-сон	<ul style="list-style-type: none"> - Гендер зўравонлик ҳолатлари ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг “102” телефон рақамига келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари ходимлари томонидан рўйхатга олинади. - Расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар “Инсон” марказларига “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали реал вақт режимида юборилади. - 2025 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари томонидан гендер зўравонликни содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар реестри юритилади.
Терговга қадар ва тергов тадбирлари	Ички ишлар органлари бўлинмалари Прокуратура органлари	Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунчилиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс	Ариза рўйхатдан ўтказилгандан сўнг сўроқ, зарур ҳолларда тергов ўтказилади, жабрланувчи аёл (қиз) кўпинча эркак эксперталар томонидан ўтказиладиган суд-тиббий экспертизадан ўтиш учун юборилиши мумкин. Ходимлар ва эксперталарда гендер сезгиригининг этишмаслиги зўравонлик қўрбонларининг такрорий виктимизациясига (шахс ёки шахслар гуруҳининг жиноий тажовуз қўрбонига айланиш жараёни ёки пировард натижаси) олиб келади. Жиноят ишлари жабрланувчининг аризасига кўра қўзғатилади, яъни хусусий-оммавий характерга эга бўлиб, ушбу тоифадаги ишларни оммавий-ҳуқуқий тусга ўтказиш зарурати мавжуд, тўғрироғи ҳар қандай жисмоний шахс, оммавий ахборот воситалари кабиларнинг берган хабарларига кўра қўзғатилади.
Айбдорларни суд орқали таъқиб қилиш	Туман, туманлараро, шаҳар, вилоят судлари (Ўзбекистон Олий суди)	Судлар тўғрисидаги ЎЗР Қонуни	Статистик маълумотларга кўра, енгил жазо тайинланадиган ишлар, ярашув билан тутатиладиган ишлар, судлар хатти-ҳаракатни ЖКнинг енгилроқ моддаси билан тоифалайдиган ишлар, гендер зўравонлиқдан жабрланган инсоннинг ўзини айбдор деб тан оладиган ва үнга ҳам маъмурий жазо тайинланадиган ишлар мавжуд. Бу судларнинг гендер зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича етарли касбий тайёргарликка эга эмаслиги ва гендер масалаларга нисбатан етарлича сезигир

				эмаслигидан далолат беради. Судьяларни маҳсус курсларда тайёрлаш зарур. Ўзбекистонда зўравонликнинг давом этиш хавфини баҳолаш тизими мавжуд эмас, бу икки томон ярашган тақдирда ҳам: тажовузкор ва жабрланувчи учун ортга қайтмас оқибатларга олиб келиши мумкин.
Хавотирли тугмани ўрнатиш	Ўзбекистон ИИВ ҳузуридаги ҳудудий қўриқлаш бўлинмалари	Йўқ		Пулли хизмат жабрланувчининг аризасига кўра тегишли бўлинмаларга тақдим этилади
Зўравонлиқдан жабр кўрганлар ва уларнинг оиласлари учун ҳуқуқий маслаҳатлар ва тавсиялар	<p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари</p> <p>“Мадад” ННТ (advice.uz)</p> <p>Юридик университетлар қошидаги юридик клиникалар</p> <p>Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари</p> <p>Баъзи ННТ (“Istiqlolli Avlod” республиканинг бир қатор</p>	<p>06.09.2019 йилдаги ВМҚ-741-сон</p> <p>10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон</p> <p>O’zMSt 220:2024</p>		<p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ гендер зўравонлиқдан жабрланганларга юридик, психологик, ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатади.</p> <p>“Мадад” ННТ аҳолига, шу жумладан, гендер зўравонлиқдан жабрланганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.</p> <p>ННТлар ўз фаолиятини грант асосида амалга оширади, шунинг учун уларнинг фаоллиги мавжуд молиялаштириш ҳолатига боғлиқ, аммо уларнинг баъзилари грантлар борлигидан қатъи назар, гендер зўравонлиқдан жабрланганларга маслаҳат беришга ҳаракат қиладилар.</p> <p>Nemolchi.uzда гендер зўравонлиқдан жабрланганларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш учун телеграм-бот мавжуд. ННТлар учун хорижий донорлардан грантлар олишда қийинчилликлар юзага келмоқда, чунки ҳукумат томонидан хорижий молиялаштиришни олишни Адлия вазирилги билан келишиш тартибини назарда тутувчи қарор қабул қилинди. Амалиётда ННТлар алоҳида жиддий сабаблар келтирилмасдан розилик ололмаган бир қатор ҳолатлар мавжуд.</p>

	<p>худудларида, “Oydin Nur” (Бухоро), “Rahmdillik” (Самарқанд), “Юксак салоҳият” республиканинг бир қатор ҳудудларида, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ва б.)</p> <p>Nemolchi.uz (онлайн),</p>		
Йўқолган/ўғирланган ҳужжатларни тиклашда кўмак	<p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари</p> <p>Зўравонлиқдан жабрланган шахсларга юридик, психологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, уларга бошпана (шелтер) берувчи</p>	<p>25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон</p> <p>O'zMSt 220:2024</p> <p>Тазиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шунингдек тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсларга хизмат кўрсатиш соҳасида фаолиятни</p>	<p>Жабрланувчиларга юридик, психологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, уларга бошпана (шелтер) тақдим этувчи ННТлар реестрига киритилиши уларга бир қатор афзаликларни беради, жумладан, хорижий молиялаштиришни олишда ҳамроҳлик қилиш, судга мурожаат қилишда давлат божидан озод этиш, ҳужжатларни тиклаш, реабилитация марказларига жойлаштиришда ёрдам бериш ва бошқалар.</p>

		ННТлар реестрига кирувчи ННТлар	амалга оширувчи ННТларни реестрга киритиш тартиби тўғрисидаги низом (Ижтимоий ҳимоя агентлиги директорининг 2024 йил 29 августдаги 229-сон бўйруғи билан тасдиқланган)	
Терговга қадар ва тергов текшируви босқичида адвокат тақдим этиш	Баъзи ННТ	Йўқ	ННТ юристлари, агар улар адвокат бўлмаса ҳамда иш жамоат бирлашмалари аъзоларига тааллуқли бўлган тақдирда, тергов ва суд жараёнида жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этишлари мумкин. Қонун уларга тергов ва суд жараёнида ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Юридик ёрдамни фақат ҳимоячилар ва қариндошлар кўрсатиши мумкин. Бепул юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун (16.06.2023 йилдаги ЎРҚ-848-сон) гендер зўравонлиқдан жабр кўрган шахсларга ёрдам кўрсатишни кафолатламайди.	
Судларда адвокат тақдим этиш	Баъзи ННТ	Йўқ	ННТ юристлари, агар улар адвокат бўлмаса ҳамда иш жамоат бирлашмалари аъзоларига тааллуқли бўлган тақдирда, тергов ва суд жараёнида жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этишлари мумкин. Қонун уларга тергов ва суд жараёнида ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Юридик ёрдамни фақат ҳимоячилар ва қариндошлар кўрсатиши мумкин.	

				Бепул юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун (16.06.2023 йилдаги ЎРҚ-848-сон) гендер зўравонлиқдан жабр кўрган шахсларга ёрдам кўрсатишини кафолатламайди.
Психологик ва ижтимоий кўмак	Инқирозли вазиятларда маслаҳат ва кўмак	Ягона диспетчерлик хизмати 112 Ишонч телефони 1146 “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Шошилинч қабул бўлимларидағи бирламчи ёрдам хоналари Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари Баъзи ННТ Nemolchi.uz (онлайн)	10.05.2024 йилдаги ПҚ- 175-сон 25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон O'zMSt 220:2024	112 ва 1146 ишонч телефонлари, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, бирламчи ёрдам хоналари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари гендер зўравонлиқдан жабрланганларга қонун ҳужжатларига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади. ННТлар ўз фаолиятини грант асосида амалга оширади, шунинг учун уларнинг фаоллиги мавжуд молиялаштириш ҳолатига боғлиқ, аммо уларнинг баъзилари грантлар борлигидан қатъи назар, гендер зўравонлиқдан жабрланганларга маслаҳат беришга ҳаракат қиладилар. Nemolchi.uzда гендер зўравонлиқдан жабрланганларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш учун телеграм-бот мавжуд.
	Шахсий маслаҳат/кўмак	Ягона диспетчерлик хизмати 112	10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон	112 ва 1146 ишонч телефонлари, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, бирламчи ёрдам хоналари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари гендер

	<p>Ишонч телефони 1146</p> <p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари</p> <p>Шошилинч қабул бўлимларидағи бирламчи ёрдам хоналари</p> <p>Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари</p> <p>Баъзи ННТ</p> <p>Nemolchi.uz (онлайн)</p>	<p>25.06.2024</p> <p>Йилдаги ВМҚ-354-сон</p> <p>O'zMSt 220:2024</p>	<p>зўравонликдан жабрланганларга қонун ҳужжатларига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади.</p> <p>ННТлар ўз фаолиятини грант асосида амалга оширади, шунинг учун уларнинг фаоллиги мавжуд молиялаштириш ҳолатига боғлиқ, аммо уларнинг баъзилари грантлар борлигидан қатъи назар, гендер зўравонликдан жабрланганларга маслаҳат беришга ҳаракат қиласидилар.</p> <p>Nemolchi.uzда гендер зўравонликдан жабрланганларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш учун телеграм-бот мавжуд.</p>
Гурӯҳ маслаҳатлари/кўмаги	<p>Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари</p> <p>Баъзи ННТ</p>	Йўқ	Ўзбекистон қонунчилигида гурӯҳ бўлиб қўллаб-қувватлаш механизми алоҳида белгиланмаган, аммо бундай тадбирлар турли хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан ўз ташаббуси билан ёки лойиҳалар доирасида ташкил этилиши мумкин

	Nemolchi.Uz		
Судларда ҳамроҳлик қилиш (ижтимоий кўмак)	Баъзи ННТ Ижтимоий ходимлар ОАВ ва медиа вакиллари		Ўзбекистон қонунчилигида гендер зўравонлиқдан жабр кўрган шахсларни судларда мажбурий ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми мавжуд эмас. Жабрланганларга ижтимоий ходимлар ёки баъзи ноҳкумат ташкилотларнинг вакиллари, агар уларда бунга вақт ва бошқа ресурслар бўлса, ихтиёрий равишда ҳамроҳлик қилишлари мумкин
Қисқа муддатли шелтерлар ва ёши катта аёлларни жойлаштириш	Шошилинч қабул бўлимларидағи бирламчи тиббий-санитария ёрдами хоналари Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари “Rahmdillik” ННТ (Самарқанд) “Oydin Nur” ННТ (Бухоро)	10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон 25.06.24 йилдаги ВМҚ-354-сон O’zMSt 220:2024	Гендер зўравонлик ҳолати аниқланган пайтдан бошлаб 24 соат ичida жабрланган аёллар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларига жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами хоналарига уч суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилади. Шошилинч қабул бўлимларининг бирламчи ёрдам хоналарида ёрдам олган шахслар ҳудудий марказларга ушбу бўлим шифокорининг хуносаси ва ҳимоя ордери асосида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ аризасини талаб қилмасдан жойлаштирилади
Қисқа муддатли шелтерлар ва ёши	Шошилинч қабул бўлимларидағи	10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-	Гендер зўравонлик ҳолати аниқланган пайтдан бошлаб 24 соат ичida жабрланган аёллар ва уларнинг вояга етмаган болалари туман (шаҳар)

катта аёллар ва уларнинг фарзандларини жойлаштириш	бирламчи ёрдам хоналари Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари "Rahmdillik" ННТ (Самарқанд) "Oydin Nur" ННТ (Бухоро)	сон 25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон O'zMSt 220:2024	<p>марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларига жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш учун бирламчи ёрдам хоналарига уч суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилади.</p> <p>Шошилинч қабул бўлимларининг бирламчи ёрдам хоналарида ёрдам олган шахслар ҳудудий марказларга ушбу бўлим шифокорининг хуносаси ва ҳимоя ордери асосида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ аризасини талаб қиласдан жойлаштирилади.</p> <p>Реабилитация марказларига жойлаштириш ҳимоя ордерини расмийлаштиришга боғлиқ бўлиб, бу ҳимоя ордерини бериш ва реабилитация марказига жойлаштириш рад этилганда, амалиётда зўравонлик жабрланувчиси учун муаммо келтириб чиқариши мумкин.</p>
ОИВ билан касалланган қизлар ва аёллар учун қисқа муддатли шелтерлар ва уларни жойлаштириш	Йўқ	Қисман. 25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон O'zMSt 220:2024	<p>25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон қарори ОИВ билан яшовчи аёлларни туман марказларига жойлаштиришни назарда тутишига қарамай, зўравонлик ва тазиикдан жабрланганлар учун реабилитация хизматларини кўрсатиш миллий стандарти O'zMSt 220:2024 истисно тариқасида ОИВни кўрсатмасдан, шу жумладан юқумли касалликларга чалинган шахслар учун ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш имкониятини назарда тутади (4.2-банд). Шу асосда ОИВ билан яшаётган аёллар ва қизларга шелтерларга жойлаштириш рад этилиши мумкин.</p> <p>Айни пайтда Ўзбекистон қонунчилигида гендер зўравонлик қурbonи бўлган ОИВ билан яшаётган қизлар ва аёллар учун ижтимоий ва бошқа хизматлар кўрсатиш регламенти мавжуд эмас.</p>
Қисқа муддатли шелтерлар ва	Шошилинч қабул бўлимларидағи	Қисман. 25.06.2024	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон қарори ногиронлиги бор қизлар ва аёллар учун ижтимоий хизматлар

	ногиронлиги бор қизлар ва аёлларни жойлаштириш	бирламчи ёрдам хоналари Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари "Rahmdillik" ННТ (Самарқанд) "Oydin Nur" ННТ (Бухоро)	йилдаги ВМҚ-354-сон O'zMSt 220:2024	<p>кўрсатиш тартибини алоҳида белгиламайди. Зўравонлик ва тазиикдан жабрланганлар учун реабилитация хизматларини кўрсатиш миллий стандарти O'zMSt 220:2024да, шу жумладан ногиронлик белгиси бўйича камситмаслик омили қайд этилган бўлсада (4.3.2-банд), турли кўринишдаги ногиронлиги бўлган аёллар учун реабилитация хизматларини кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар алоҳида кўрсатилмаган.</p> <p>Бу қонунчиликда бўшлиқ яратади, чунки бу аёллар зўравонлик натижасида ва ижтимоий мақоми билан боғлиқ маҳсус хизматларга муҳтоҷ бўлиши мумкин.</p> <p>Айни пайтда Ўзбекистон қонунчилигига гендер зўравонлик қурбони бўлган ногиронлиги бор қизлар ва аёллар учун ижтимоий ва бошқа хизматлар кўрсатиш регламенти мавжуд эмас.</p>
Ўрта муддатли шелтерлар ҳамда 6 ой ва ундан ортиқ муддатга жойлаштириш		Йўқ	Йўқ	<p>Ўзбекистонда 6 ой ва ундан ортиқ муддатга ўрта муддатли вақтга жойлаштириш ва узоқ муддатли реабилитация қилишга ихтисослашган марказлар мавжуд эмас. Аксарият шелтерлар аёлларни 10 кундан 6 ойгача бўлган муддатга жойлаширадилар. Баъзан вазият иложсиз бўлганда, аёл узоқроқ муддатга қолиши мумкин, аммо қонунчилик даражасида буни белгиловчи ёки 6 ойдан ортиқ узоқ муддатли жойлаштириш муддатларини кафолатловчи регламент мавжуд эмас.</p>
Тажовузкор шахс билан ишлаш	Аёллар фаоли “Инсон” марказлари Туман профилактика инспектори	10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон 25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон		<p>Гендер зўравонлиги ҳақида хабар берилгандан сўнг 24 соат ичидага аёллар фаоли ва туман профилактика инспектори тажовузкор шахс билан сұхbatлашади</p> <p>Ҳимоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда гендер зўравонлигини содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқатворини ўзgartириш бўйича тузатиш дастури “Инсон” марказлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Зўравонлик содир этган ёки</p>

		Ўзбекистон Миллий гвардияси		содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш ишларига Миллий гвардия инспектор-психологлари ҳам мажбурий тартибда жалб этилади. Амалиётда бундай ишларнинг ҳақиқатда ўтказилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, зўравонликдан жабрланганлар бундай хизмат тўғрисида тасаввурга эга эмас, оиласвий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари таҳлилида эса тажовузкорга тузатиш дастурларидан ўтиш тайинланадиган бирорта ҳам қарор йўқ.
Соғлиқни сақлаш	Жинсий зўравонлиқдан кейин комплекс ёрдам, шу жумладан жароҳатларни даволаш, жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларни (ЖЙЮИ) даволаш, шошилинч контрацепция ва алоқадан кейинги ОИВ/ОИТС профилактикаси	Йўқ	Йўқ	Ўзбекистон қонунчилигига номусга тегиш ёки ғайритабиий шаклда зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилишдан жабрланганларга комплекс ёрдам кўрсатиш тартиби мавжуд эмас. Бундай ёрдам кўпроқ ННТ ва минтақавий реабилитация марказлари томонидан кўрсатилади.
	Жинсий зўравонлиқдан кейинги баъзи таркибий қисмларни ўз	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	Қисман. 2023 йил 20 январдаги ПҚ-14-сон	Ўзбекистон қонунчилигига жинсий зўравонликка учраган ёки ғайритабиий шаклда жинсий алоқага мажбурунган жабрланувчиларга комплекс ёки қисман ёрдам кўрсатиш тартиби мавжуд эмас, бироқ жабрланувчи республика бўйича соғлиқни сақлаш муассасаларида бир қатор стандарт хизматлардан фойдаланиши мумкин.

	ичига олган қисман ёрдам	Соғлиқни сақлаш вазирлиги		Жинсий алоқадан кейин ОИВ профилактикаси бўйича миллий клиник баённомага (ЎзР ССВнинг 2023 йил 30 октябрдаги 270-сонли буйруғига 10-илова) кўра, АКП жинсий зўравонлик натижасидаги алоқада тавсия этилади. Бироқ комиссия қарорини қабул қилишнинг мавжуд амалиёти (эпидемиолог, юқумли касалликлар шифокори ва лаборантни ўз ичига олган ҳолда) дори воситасини ҳодисадан кейинги дастлабки 4-72 соат ичида қабул қилиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, АКПни ўз вақтида тақдим этиш учун тўсиқларни келтириб чиқаради. Жабрланган аёллар учун бу ОИТСМга қўшимча ташриф буюриш зарурлигини англатади, бу эса хизматдан фойдаланиш имкониятини пасайтириши мумкин. Секторларро ҳамкорликни жорий этиш ва тиббиёт муассасаларининг тайёрлигини таъминлаш имкониятларини кўриб чиқиш муҳимдир. Туғруқхоналарда ОИВ мусбат оналардан туғилган чақалоқлар профилактикаси билан ишлаш тажрибаси аллақачон мавжуд, улар керакли дори-дармонларга эга. Бу амалиётни бошқа хавф гурухларида кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.
Суд-тиббий экспертизаси	Ички ишлар органлари Прокуратура органлари Суд экспертизаси муассасалари	21.02.2023 йилдаги ВМҚ-73- сон	Амалиётда зўравонлиқдан жабрланганларни суд-тиббий экспертизасига юбормаслик ёки айниқса, енгил тан жароҳатлари ҳолатлари мавжуд бўлганда, ўз вақтида юбормаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бундан ташқари, жинсий зўравонлик ёки унга уриниш ҳолатларидан жабрланганлар ҳам ўз вақтида экспертизага юборилмаслиги мумкин, бу эса муҳим далилларнинг йўқолишига олиб келади. Бундан ташқари, суд-тиббиёт эксперtlари кўпинча эркаклар, жинсий зўравонликни бошдан кечирган аёллар эса бундай кўрикларда қўшимча асабийликни бошдан кечиришади. Ушбу хизмат давлат томонидан кафолатланган бўлсада, юқоридаги амалий камчиликлар жабрланганлар учун хизматдан фойдаланишни қийинлаштиради	

	Мажбурий комплекс тиббий кўрик	Йўқ	Йўқ	Қонунчиликда гендер зўравонлиқдан жабрланган вояга етмаган фарзандларига мажбурий комплекс тиббий муолажа ўтказиш механизми мавжуд эмас. 25.06.2024 йилдаги ПҚ-354-сон қарорида аёл ва унинг болалари минтақавий марказга чуқурлаштирилган реабилитация учун жойлаштирилганда ҳамда фақат бунга тўсқинлик қиласидиган касалликлар аниқланганда тиббий кўрик ўтказилиши назарда тутилган. Бошқа ҳолатлар қонун ҳужжатлари билан қамраб олинмаган.
	Саломатлик билан боғлиқ сурункали муаммоларни даволаш	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари	Йўқ	Гендер зўравонлиқдан жабр кўрганларда саломатлик билан боғлиқ сурункали муаммоларни даволаш тартиби алоҳида МҲҲ ёки зўравонлиқдан жабр кўрганларга хизмат кўрсатишнинг комплекс чоратадбирларини тартибга солувчи ҳужжатларда (ПҚ-135-сон ва ВМҚ-354-сон) белгиланмаган. Бу умумий квоталар тартибida даволаниш учун маълум қийинчилкларни келтириб чиқариши мумкин
	Репродуктив саломатлик	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари	Ха	
	Ихтиёрий маслаҳат бериш ва ОИВга тестдан ўтказиш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ха	
	ОИВни даволаш, парваришлаш ва кўмак кўрсатиш бўйича хизматлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Баъзи ННТ	2023 йил 20 январдаги ПҚ-11-сон	
	Инқирозли вазиятларда маслаҳат ва кўмак	Ягона диспетчерлик хизмати 112	10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон	112 ва 1146 ишонч телефонлари, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, бирламчи ёрдам хоналари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари қонун

(тиббиёт моделида “психологик биринчи ёрдам”)	Ишонч телефони 1146 “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Шошилинч қабул бўлимларидағи бирламчи ёрдам хоналари Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари Баъзи ННТ Nemolchi.uz (онлайн)	25.06.24 йилдаги ВМҚ-354-сон O'zMSt 220:2024	хужжатларига мувофиқ гендер зўравонлиқдан жабрланганларга психологик ёрдам кўрсатади. ННТлар ўз фаолиятини грант асосида амалга оширади, шунинг учун уларнинг фаоллиги мавжуд молиялаштириш ҳолатига боғлиқ, аммо уларнинг баъзилари грантлар борлигидан қатъи назар, гендер зўравонлиқдан жабрланганларга маслаҳат беришга ҳаракат қиласидилар. Nemolchi.uzда гендер зўравонлиқдан жабрланганларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш учун телеграм-бот мавжуд.
Психологик саломатликни баҳолаш ва даволаш, масалан, психологик ва психиатрик баҳолаш, даволаш ва парваришлаш	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари	10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон 25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон	

Иқтисодий ва таълим бўйича кўмак	Моддий ёрдам (кийим-кечак, овқат ва б.)	Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари, Баъзи ННТ	Зўравонлик ва тазиқдан жабрланганлар учун реабилитация хизматларини кўрсатиш миллий стандарти O'zMSt 220:2024 орқали қисман қопланган (шартлар билан)
	Молиявий кўмак	Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя	<p>Шуни инобатга олиш керакки, гендер зўравонлиқдан жабрланганларнинг барчаси ҳам фарзандлари билан ушбу марказларга жойлаштирилмайди, аммо улар ҳам мунтазам овқатланишга ва кийим-кечак, пойабзал ва гигиена воситаларига муҳтоҷ бўлиши мумкин. Аҳолининг ушбу тоифаси ҳеч қандай МХҲ билан қамраб олинмаган, Ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган ва бир марталик нафақа олиши мумкин бўлганлар бундан мустасно. Кўпинча оиласидаги зўравонлик натижасида болали аёллар кийимсиз, зарур гигиена буюмлари, мактаб анжомлари ва бошқаларсиз уйдан ҳайдаб чиқарилади. Уларнинг ҳаммаси ҳам ҳудудий марказларга жойлашишни хоҳламайди, қариндошлари олдига боради. Бундай аёлларга ёрдам бериш тартиби мавжуд эмас.</p> <p>Мол-мулкни ўзганинг эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишдан ташқари, қонун ҳужжатларида аёл учун зарур бўлган мулкни қайтариш механизми назарда тутилмаган. Оила кодексида тақиқланган бўлсада, никоҳгача бўлган мол-мулк оила томонидан тўйга сарфланадиган харажатлар ҳисобидан ушлаб қолиниши ҳолатлари учрайди.</p>
		Қисман.	Агар аёл Ижтимоий ҳимоя реестри, "аёллар дафтари"га (яъни ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахс деб тан олинган) киритилган бўлса, гендер зўравонлиқдан жабр кўрганларга молиявий ёрдам тақдим этилади.
		25.06.2024	

	миллий агентлиги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари	йилдаги ВМҚ-354-сон	Шу билан бирга, 25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон билан бошқа ҳудудлардаги аёллар ва уларнинг фарзандлари учун транспорт харажатлари (поезд, автобус) Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари (яшаш жойидан бошқа ҳудудга марказга кўчирилган аёллар учун) ҳисобидан қопланиши назарда тутилган.
Стратегик иқтисодий кўмак (бизнес очиш учун грантлар ёки кредитлар, доимий уй-жой ажратиш ва бошқалар)	Туман ва шаҳар хокимлеклари Турли банклар Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари Баъзи ННТ	Қисман	Гендер зўравонликни бошдан кечирганлар учун бундай ёрдам алоҳида кўзда тутилмаган, аммо аҳолининг заиф қатламларига мансуб аёллар учун турли дастурлар мавжуд (улар орасида зўравонликни бошдан кечирганлар ҳам бўлиши мумкин). Банклар ва ННТлар айни пайтда бундай дастурлар билан ишлаётган бўлса, бизнес очишда ёрдам бериши мумкин. Реабилитация марказлари ва ННТлар зўравонлик қурбонларининг уй-жой ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳокимликларга мурожаат қиладилар ва ушбу аёлларга алоҳида уй-жой ажратиш ҳолатлари мавжуд.
Расмий таълим	Ўзбекистон Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Таълим тўғрисидаги ЎРҚ 25.06.2024 Йилдаги ВМҚ-354-сон	Ўзбекистонда умумий таянч таълим аҳолининг барча тоифалари учун мажбурий. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизларнинг фарзандлари ҳам мактабда ўқиши давом эттиради

	<p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари</p> <p>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Касбий күнікмалар марказлари (собиқ “Ишга марҳамат” мономарказлари ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги касб-хұнарга үқитиш марказлари)</p> <p>Баъзи ННТ</p>	<p>Қисман Президенттіңг 04.10.2024 йилдагы ПҚ-347-сон қарори орқали</p> <p>25.06.2024 йилдаги ВМҚ-354-сон</p>	<p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари касб-хұнарни эгаллаш истагини билдирган хотин-қизларга ҳудудий мономарказлар ва касб-хұнарга үқитиш марказларига касб-хұнарга үқитиш учун йўлланма беради.</p> <p>04.10.2024 йилдаги ПҚ-347-сон қарорда ишсиз ва кам таъминланган аҳолини ички ва ташқи меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб берадиган касбларга үқитиш тизимини ташкил этиш бўйича комплекс чоратадбирлар белгиланган. Бироқ гендер зўравонлиқдан жабр кўрган аёлларнинг барчаси ҳам ишсиз ёки кам таъминланган аҳоли тоифасига киритилавермайди, аммо улар талаб юқори бўлган мутахассисликка қайта ўқиш истагини билдиришлари мумкин. Ушбу чора-тадбирлар мажмуаси уларнинг қайта малакаланишга бўлган эҳтимолий эҳтиёжларини қопламайди.</p> <p>ННТлар ҳам шундай ижтимоий лойиҳаларни амалга оширадилар, аммо уларнинг барқарорлиги молиялаштиришга боғлиқ.</p>
Ишга жойлаштириш	<p>“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари</p> <p>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари</p>	<p>10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон</p> <p>04.10.2024 йилдаги ПҚ-347-сон</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенттіңг 10.05.2024 йилдаги ПҚ-175-сон қарори билан белгиланишича, “Инсон” марказлари зарур ҳолларда гендер зўравонлиқдан жабр кўрган хотин-қизларни иш билан таъминлаш тўғрисида туман (шаҳар) бандлик ва камбағалликни қисқартириш бўлимларига ариза киритиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Президенттіңг 04.10.2024 йилдаги ПҚ-347-сон қарори билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини касб-хұнарга үқитиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.</p>

2-илова. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини Аёлларни реабилитация қилиш ва

мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларига жойлаштириш

(2024 йил 25 июндаги ВМҚ-354-сон аёллар ва уларнинг вояга етмаган болаларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловасидан)

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	<p>«Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш маркази</p> <p>Тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланганлар, жисмоний ва юридик шахслар, ижтимоий ходимлар, патронаж ҳамширалари, «112» ягона диспетчерлик хизмати ҳамда «1146» қисқа рақамли «ишонч телефони» операторлари</p>	<p>Хотин-қизларнинг мурожаати асосида сўровнома ўтказган ҳолда уларнинг ҳолатини баҳолайди ва зарур ҳолларда туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарига жойлаштириш ва ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун ички ишлар органига хабар бериш чораларини кўради.</p> <p>Тазиқ ва зўравонлик ҳодисаси тўғрисида ички ишлар органларининг навбатчилик қисми телефон рақами — «102»га хабар беради.</p>	<p>Тазиқ ва зўравонлик ҳодисаси аниқланиши билан дарҳол</p>
2-босқич	Ички ишлар органларининг навбатчилик қисми телефон рақами — «102» оператори	Тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланганлар, жисмоний ва юридик шахслар, ижтимоий ходимлар, патронаж ҳамшираларининг тазиқ ва зўравонлик ҳодисаси тўғрисидаги мурожаатни тегишли ички ишлар органига йўналтиради.	Хабар келиб тушиши билан дарҳол
3-босқич	Ҳудудий ички ишлар органи	Мурожаатни рўйхатдан ўтказади, ҳодиса бўйича профилактика инспекторини бириткиради ва тегишли «Инсон» ижтимоий хизматлар марказини хабардор қиласди.	Хабар келиб тушиши билан дарҳол

4-босқич	«Инсон» ижтимоий хизматлар маркази	Ходиса тұғрисида хабардор қилинганидан сүңг ижтимоий ходимни бириктиради.	Хабар келиб тушиши билан дарқол
5-босқич	Ижтимоий ходим, профилактика инспектори	<p>1. Хотин-қызлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳолатини дастлабки тәрзда бақолаш, ижтимоий иш очиш, ҳимоя ордерини бериш ва заруратга күра бирламчи күмак хоналарига жойлаштириш учун тегишли далолатномани расмийлаштиришга доир чораларни күради.</p> <p>2. Хотин-қызлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари туман (шаҳар) марказий шифохоналари шошилинч қабул бўлимининг бирламчи күмак хонасига жойлаштирилади.</p>	Хабар келиб тушганидан сүңг 24 соат ичida
6-босқич	Туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлими	<p>1. Хотин-қызлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини қабул қилиб олади.</p> <p>2. Ҳимоя ордери расмийлаштирилган ва ҳудудий марказларнинг чуқурлаштирилган реабилитация хизматларидан фойдаланиш истагини билдирган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказади ва тиббий хulosса расмийлаштиради.</p> <p>3. Тиббий хulosани «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига тақдим этади.</p>	Хабар келиб тушиши билан дарқол Уч сутка давомида Тиббий хulosса расмийлаштирилган куннинг ўзида
7-босқич	«Инсон» ижтимоий хизматлар маркази	<p>1. Ҳудудий марказларда мавжуд бўш ўринларнинг сонини ўрганади.</p> <p>2. Хотин-қызлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун зарур бўлган ҳужжатларни шакллантиради.</p> <p>3. Хотин-қызларга тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали тегишли ҳудудий марказга юборади ҳамда хотин-қызлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини ҳудудий</p>	Тиббий хulosса тақдим этилган куннинг ўзида

		марказларга жойлаштириш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)га мурожаат қилади.	
8-босқич	Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)	Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини ҳудудий марказларга жойлаштиради.	Мурожаат келиб тушган куннинг ўзида
9-босқич	Ҳудудий марказлар	<p>1. Хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини қабул қилиб олади, хотин-қизлар билан ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномасини тузади ва уларни бошпана (шелтер) билан таъминлайди.</p> <p>2. Мультидисциплинар гуруҳ томонидан хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳолатини комплекс баҳолайди ва якка тартиbdагi ижтимоий реабилитация дастурини ишлаб чиқади.</p> <p>3. Якка тартиbdагi ижтимоий реабилитация дастурига мувофиқ ижтимоий хизматларни кўрсатади ва натижаси бўйича маълумотларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимиға киритиб боради.</p>	<p>Қабул қилиниши билан дарҳол</p> <p>5 иш куни ичида</p> <p>Шартномада белгиланган муддатда</p>